



**Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ**

Танлаш хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлаш иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлаш предмети: Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли 41 ДМТМ.

1.2. Танлаш қиймати: Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли 41 ДМТМ хожатхонасини жорий тамирлаш ишлари учун қиймати 70 000 000 (Етмиш миллион) сўм ни ташкил этади. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Ишларни бажариш муддати:

Шартнома имзолангандан сўнг 30 иш куни давомида буюртмачи томонидан кўрсатилган тамирлаш ишларини тўлиқ таъминлаш.

1.4 Ишларни бошлиш муддати— шартнома Газначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг томонларнинг келишувига асосан 30 кун муддат ичida етказиб берилиши шарт. (бунда: об-хаво ёки шунга ўхшаш холатлар ўрганилади).

2. ТАНЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлаш ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” маизили: Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли 41 ДМТМ.

2.2. Танлаш “Буюртмачи” томонидан танлаш ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлаш Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими - “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлашда мулкчилик шаклидан қаттий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар ҳамда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркорлар)лар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:

танлаш предмети қийматининг камидаги 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлаш предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танлашда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танлашлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлаш хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва етказиб бериладиган махсулотлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар кисми, танлаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, махсулотларни етказиб бериш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлаш иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин карор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлаш иштирокчиси танлаш хужжатлари қоидаларини танлаш ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлаш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



ТАСДИКЛАЙМАН

Бағдод тумани мактабгача таълим
бўлими мудири

О.Зияева

28-08

2022 йил

Бағдод тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 41-мактабгача
таълим ташкилоти хожатхонасини жорий тамирлаш ишлари бўйича
ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Махсулот номи	Хожатхонани жорий тамирлаш
2	Буюртмачи	Бағдод тумани мактабгача таълим бўлими
3	Буюртма учун асос	Бағдод тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 41-мактабгача таълим ташкилоти хожатхонасини жорий тамирлаш
4	Махсулот етказиб бериладиган манзил	Фарғона вилояти Бағдод тумани Оқ олтин кўчаси
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Танлаш хужжатларида кўрсатилган ишларни сифатли ва қисқа муддатларда бажариб бериш.
6	Бажарилган ишлар хисоб китоби	Бажарилган ишлар далолатномасига мос холда тўланади
7	Иш тури	Хожатхонани жорий тамирлаш
8	Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланиб олдиндан 30% тўлов ўтказилгандан сўнг 30 кун муддат ичида бажариш.
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилишлари шарт.
10	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблағлари хисобидан
11	Бажариладиган ишлар қиймати	70 000 000 (Етмиш миллион) сўм
12	Пудратчи ташкилот тўғрисида маълумот	Пудратчи ташкилот низоми руйхатдан утказилгани тўғрисида гувоҳнома
13	Банк ва соликдан карзи йуқлиги тұғрисида	Солик ва бошқа мажбурий тўловлардан карзи йуқлиги тўғрисида маълумот Қайси турдаги солик тўловчи эканлиги тўғрисида маълумот

14	Машина механизмлар тўғрисида	Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хакида маълумотлар ёки керакали машини ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати
15	Рейтинг	Пудратчининг Курилиш вазирлиги маҳсус электрон проталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот
16	Молиявий холати	Корхонани охирги йиллик баланс хисоботлари (Давлат солик инспекциясидан тасдикланган бўлиш керак). Курилиш ташкилотини хисоб ракамида конкурсдаги курилиш ишлари суммасини 20 % микдорида пул маблағи мавжуд бўлиши ёки шу микдорда айланма маблағи борлиги тўғрисида банк хати
17	Ишчи ходимлар тўғрисида	Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олиниши хамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПСга ўтказилган маблағлари тўғрисидаги малумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)
18	Иш тажрибаси	Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш обьеклада бажарган ишлари тўғрисида маълумот
19	Кафолат хати	Пудратчи 12 ой мобайнида бажарилиган ишлар учун кафолат бериш керак .Агар шу муддат ичida носозлик холати аникланса пудратчи хисобидан бартараф этилади